Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 249 (4647).
2 НОЯБРЬ 1981 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи гражданлари! Жамоат хўжалигида иқтисод ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида активроқ қатнашингиз!

Экономика тежамли бўлиши керак.

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Анатолий Чепрасовнинг экскаватор заводида меҳнат қилаётганига етти йил бўлди. У экскаватор учун зарур бўлган энг муҳим деталларни тайёрлайди. Касбини пухта билиш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш А. Чепрасовга смена топшириқларини 130—135 процент адо этиб, социалистик мусобақада пешқадам лик қилиш имконини беряпти.

СУРАТДА: А. Чепрасов. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!

ТОШКЕНТЛИКЛАР «ОҚ ОЛТИН» ДАЛАЛАРИДА

Студентлар ғайрати

РЕПОРТАЖ

Жиззах областининг Дўстлик райони. Беҳисоб пахтазор. Асфальт йўл бўйлаб бораяпмиз. Пахтакор совхозларнинг номлари биринкетин кўзга ташланади: Саркисов номли совхозга хуш келибсиз! Қосим Раҳимов номли совхоз... Ҳа, ҳар йилги анъанага кўра Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институтининг кўп сонли студентлари «оқ олтин» йиғим-теримида ана шу совхоз пахтаконларига кўмаклашмоқдалар.

Мана, кеча институт аудиторияларида шиам кийниб лекция тинглаган йигит-қизлар бугун устларига коржома кийиб пахта термоқдалар. Эгатлар бўйлаб, чаноқларга тез ва эпчил қўл чўзаётган йигит-қизлар тез-тез кўзга ташланади. Қуёшнинг чарақлаб, обҳавонинг иссик келиши ҳашарчи студент-ёшлар учун ҳам кўл келяпти. Улар қувноқ, кайфиятлари юксак. Қай бири ўзича аллакандай қўшиқни хиргойи килганча зудлик билан пахта терар. Ҳув нарирокда эса уч-тўрт киз тўлган этакларини оркалаб тарозибон томон шахдам одимларди.

Биз катта бетон йўлдан ўнга 35—40 километр юргач институт нефть-газ технологияси факультетининг штабига етиб келдик. Бу ерда штаб бошлиғи, факультет декани, техника фанлари доктори Зариф Иброҳимович учратдик. У кишши факультет студентларининг терган ялпи пахтасини жамлаш билан банд эди.

Шу вақт кимдир келиб бурчакдаги радиоприёмникнинг муруватини буради. Бирдан эфирга хушхабар таркалди. Дикторнинг ёқимли, жарангдор овози янгради: «Дўстлик районининг азамат пахтакорлари ажойиб зафар кўчдилар. Улар 27 октябргача она-Ватан хирмонига 71 минг 200 тонна «оқ олтин» топширдилар...»

— Ғалаба билан табрикламиз!

— Сизни ҳам...

Политехника институтининг ўша ерда ҳозир бўлган ўқитувчилари ва тушликка чиккан студентлари ҳам меҳнат ғалабаси билан бир-бирларини самимий табрикладилар.

Гарчи улар ерга чигит экиб, ғўза сугориб ҳосил ундирмаган бўлсалар-да, шу топда бу ёшлар ҳам пахтакор эдилар. Негаки, улар республикамиз партия ва ҳукуматининг отаҳиссаси бор. Буни Зариф Иброҳимов бизга конкрет изоҳлаб берди:

— Қосим Раҳимов номли совхознинг 4-бўлимида 606 нафар студентимиз пахта тераяпти, — деди у ён дафтарига оҳиста кўз югуртириб. — Уларнинг кучи билан ҳозиргача 350 тонна пахта терилди. Ҳар бир студентнинг кунлик тўкаётган пахтаси 63 килограммни ташкил этмоқда. Оқибат, Ражабова, Ойдин Шералиева, Ортик Ёвкочаров, Содиқ Бердинов, Гавҳар Нишонова сингари илғор студентларимиз кунига 100 — 120 килограммдан пахта териб. бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Факультетимиз студентларининг кунлик терган ялпи пахтаси ўртача 35—37 тоннани ташкил этмоқда. 4-бўлимнинг 1000 гектарлик пайкалининг машинадан қолган ҳосилининг ҳаммасини студент-ёшларимизнинг кучи билан йиғиштириб олинмоқда.

Шу вақт бизнинг эътиборимизни яна бир нарса ўзига тортди. Факультет комсомоллари Ленин комсомоли тугилган кун — 29 октябрь куни муносабати билан ўзларининг «Нефтчи» деворий газеталарининг навбатдаги сонини тайёрлаб деворга осмоқда эдилар. Секин бориб газетага кўз югуртирдик: факультет партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг органи бўлган бу газетада ҳашарчи ёшларнинг Дўстлик райони деҳқонлари зафарига қўшган ҳиссаси «Бизнинг улушимиз» сарлавҳали мақолада баён этилган эди. «Илғорларга офарин!» мақоласида эса факультет декани ҳали мамнун бўлиб тилга олган пешқадам теримчи ёшларнинг ғайрати таърифланган эди. Ҳа, республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда жонбозлик кўрсатаётган студентларнинг меҳнат қучоғидаги ҳаёти пахтакорларимизнинг кудратли тўлқинига ҳамоҳанг эди.

Ш. СИДДИҚОВ.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИДА — «АЪЛО» БАҲО

Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхозда Тошкентдан келган 3,5 минг студент уч ҳафтадан бўён пахта тераяпти. Бунда — тўқимачилик институти, бухгалтерея техникуми ва совет савдоси техникуми студентларидир. Юридик техникумининг 250 ўқувчиси совхознинг 5-бўлимида ишлаяпти. Хўжалик планини аллақачон бажарган. Аммо бўлим бошқаларидан ҳозирча ортда қоляпти. Шунинг учун ҳам пахтакорларга студентларнинг ёрдами сув билан ҳаводек зарур.

— Бизни жуда яхши кутиб олишди. Шинам хоналар беришди, —дейди техникум директори, штаб бошлиғи Умар Абдўсаломов. — Хўжалик бизнинг ихтиёримизга озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш учун битта юк машинаси ажратиб қўйган. Бирон масала тугилиб қолса, маъмурият дарров ёрдам беряпти. Студентлар ҳам бунга жавобан теримни жадаллаштиришяпти.

Мана, баъзи студентларнинг бир кунлик терган пахталари: Аҳмад Иўлдошев — 200, Тўраёш Ҳамроев — 100, Ойимча Бобожонова — 142, Маттуба Қудратова — 134, Хабибулла Ҳасанов — 123 килограмм...

Одатда, қизлар кўпроқ пахта теришарди. Бироқ юридик техникумининг студент йигитлари қизлардан ўзиб кетишди.

Бу ерда ҳар куни теримчилар ишига якун ясаляпти. Илғорлар ва қолоқлар тилга олиняпти. Бригадалар мусобақаси якунлари кўриб чиқиляпти. Бўш вақтларда эса бахслар, концертлар уюштириляпти. Кўпчилик кечқурунлари дарс тайёрлаяпти. Ахир, навбатдаги сессия ҳам яқин колди-да. Ҳозир пахтазорлардаги меҳнат семестрини улар «аъло» баҳога топширишяпти.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

31 ОКТЯБРГАЧА РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА 5 МИЛЛИОН 153 МИНГ 843 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 300 МИНГ 449 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. БУ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИНГ 88,25 ПРОЦЕНТИНИ, ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИНГ 81,20 ПРОЦЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. МАШИНАЛАР БИЛАН 3 МИЛЛИОН 284 МИНГ 145 ТОННА ПАХТА ТЕРИЛДИ.

30 ОКТЯБРЬ КУНИ ПЛАННИНГ 1,20 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ЕКИ 70 МИНГ 291 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАНДИ.

Мавсум бошидан бери пахта тайёрлаш топширғини Тошкент области 111,42, Бухоро области 103,76, Жиззах области 102,15, Қашқадарё области 94,07, Хоразм области 87,62, Наманган области 87,31, Фарғона области 84,61, Сурхондарё области 83,70, ҚҚАССР 77,85, Андижон области 75,83 ва Самарқанд области 73,49 процент адо этди.

Сирдарё области механизаторлари машина терими планини бажардилар. Дала гвардиячилари агрегатлар ёрдамида 306 минг тонна «оқ олтин» териб бердилар.

Сирдарё область Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз пахтакорларига йиғим-теримда 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг ишчи-хизматчилари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

СУРАТДА: терим нормасини ортиғи билан бажараётган ҳашарчилардан Н. Шарипова ва М. Шорустамова.

М. Нуриддинов фотоси.

КЎЧМА УСТАХОНА БЕТИНИМ ИШЛАМОҚДА

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи мана икки йилдирки, Жиззах область Октябрь районидаги қўриқ ерларда ташкил этилган боғдорчилик-виночилик совхозига оталиқ қиляпти. Пойтахт транспортчилари бу хўжаликда мунтазам битта автоустахонани сақлашади. У қишлоқ хўжалиги техникасига зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва пайвандлаш агрегатлари билан жиҳозланган. Транспортчилар совхозни мойлаш материаллари, симлар, бўёқлар ва бошқа материаллар билан таъминлашяпти.

Оталиқдаги хўжалик фақат узумзорлар, сабзавот ва полиз майдонларидан иборат эмас. Унинг пахтазорлари ҳам бор. Бу ерда ҳозир йиғим-терим авжида. Тошкентликлар бу ерда ҳамма техникани пахта йиғим-теримига тайёрлашди, ҳозир икки слесарь ва электр пайвандчи уларнинг аҳволини кузатиб турибди.

БУРЧ ДАЪВАТИ БИЛАН

Шу кунларда Сирдарё областининг Оқ олтин районидаги 10-«А» совхози далаларида қизғин меҳнат авжида. Мўл ҳосил усталари билан бир сафда пахтазорга бурч даъвати билан келган юзлаб ҳашарчилар терим суръатини оширишяпти.

Шаҳримиз даги «Главташпасс автоўранс» бошқармасига қарашли 1-автокомбинат вакиллари ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг оғирини енгил қилишяпти. Улар 20 сентябрдан бери ана шу хўжаликда меҳнат қилиб, 15 та трактор прицепи, 11 та пахта териш комбайнини ремонт қилиб беришди. Ремонтчилар бригадаси аъзолари Ш. Содиков, С. Алимхўжаев ва бошқалар ҳозирги кунда ҳам бузилган техника воситаларини тез ва соз тузатиб бериб, пахтакорларни мамнун этишяпти.

• *Йиллик план — муддатидан илгари*

Илғорлар тажрибаси барчанинг мулкига айлансин

Ўзаро мусобақадош Чилонзор ва Октябрь районлари меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилидаги ишлаб чиқариш фаолияти учун юксак марралар белгилашди. Октябрь район партия комитетида бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида учинчи кварталда ва тўққиз ой мобайнида бўлиб ўтган дўстона мусобақага якун ясалди, бир қатор меҳнат коллективларининг иши — уларнинг муваффақиятлари ва нуқсонлари чуқур анализ қилинди.

Районларнинг саноат қурилиш, транспорт корхоналарининг январь — сентябрь ойларидаги фаолияти ҳақида актив йиғилишида Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Расулов ва Чилонзор район партия комитетининг иккинчи секретари П. Шермуҳамедов доклад қилдилар. Улар районларнинг иқтисодий ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида рақамлар ва фактлар келтиришди, бу меҳнаткашларнинг мавжуд резервларни ишга солиш, план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш учун интилишларидан гувоҳлик беради. Районлар бўйича тўққиз ой мобайнида планга қўшимча 6.588 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди, шундан 1.488 минг сўмлиги мажбуриятларга қўшимча бўлди.

Октябрь районида 140 та янги буюмни ўзлаштириш бўйича талайгина ишлар қилинди. Булар асосан кенг истеъмол буюмларидир. Районда барча корхоналарни реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш жадал суръатлар билан амалга ошириляпти. Бу келажакда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини яна да ошириш имконини беради.

Чилонзор районида 1,5 минг илғор ишчи «Йиллик план — Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига» шиори остида меҳнат қиляпти.

Актив йиғилишида сўзлаган 2-пойафзал фабрикаси ишчиси М. Каримова маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳом ашё ва материалларни тежаш масалаларига тўхталди. Пойафзалчилар йилнинг тўққиз ойи мобайнида ўн минглаб сўмлик чарм материалларини тежадилар.

Бадиий буюмлар фабрикасининг тўқувчиси Р. Шарафутдинова ҳам мазмунли нутқ сўзлади. У корхона коллективи тўққиз ой мобайнида планга қўшимча қарийб 500 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарганлигини, 420 ишчи, 12 коммунистик меҳнат бригадаси Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги арафасида йиллик планни бажарганлиги ҳақида рапорт беради. Бу фабриканинг 10 нафар энг тажрибали чевари, шу жумладан, М. Ахмадхўжаева, Т. Идрисова, Т. Коблякова, А. Аъзамова, М. Мирзаахмедова, Т. Худойбердиева, Т. Йўлдошева ва Р. Шарафутдинованинг ўзи икки йиллик топшириқни бажаришди. Ишнинг бригада формаси жорий этилганлиги бу муваффақиятга ёрдам берди.

В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени электр поезди машинисти А. Холиқов, «Ташметрострой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси лаҳмчилар бригадаси бошлиғи Н. Нестеркин ўз нутқларини ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар.

Бир қатор корхоналарда ускуналардан фойдаланиш коэффициенти паст, иш вақти бехудага йўқотилади, ҳом ашё, электр қуввати ва материаллар ортиқча сарфланади. Чилонзор районида, масалан, «Промсвязь» заводи, электр-рўзғор буюмлари заводи, «Промгражданстрой» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси ва бошқа коллективлар ишлаб чиқаришни меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига ўстириш бўйича белгиланган топшириқларни уддалашолмаяпти. Ҳамма корхоналар ва ташкилотлар ҳам янгийўлликларнинг «Колоклар сиз ишлайлик» ташаббусига етарли эътибор беряпти дейиш кийин. Транспорт, алока ва қурилиш коллективларида ишлаб чиқариш резервларидан тўла фойдаланилмаяпти.

Социалистик мусобақада Октябрь районғолиб деб топилди.

АГИТБРИГАДА САФАРДАН ҚАЙТДИ

БУГУН

Акмал Икромов районидаги У. Юсупов ва А. Қаҳҳор номли маданият уйлари ҳаваскорлик коллективларидан тузилган бадиий агитбригада оталиқдаги хўжаликлар бўйлаб сафардан қайтиб келди.

Мазкур агитбригада Жиззах ва Сирдарё областлари пахтакорларини ҳилма-ҳил концерт программадари билан хушнуд этди. Айниқса Оқ олтин районидаги пахтазорларида ғайрат билан жавлон ураётган Пушкин номидаги республика рус тили ва адабиёти педагогика институти студентларига агитбригада намойиш қилган концерт программаси катта таассурот қолдирди. Концерт охирида Акмал Икромов район маданият бўлимининг ташаббуси билан янги кинокомедия намойиш қилинди.

— Бадиий агитбригада,— дейди У. Юсупов номли маданият уйи директори Е. Иванов. —яқин кунларда янги программа билан пойтахт области пахтакорлари ҳузурига йўл олади.

● ФУТБОЛ

КИЕВ ДИНАМОЧИЛАРИ — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНЛАРИ

Ўтган шанба куни мамлакат биринчилигининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган Киев динамочилари муддатидан илгари мамлакат чемпионлари унвони ва олтин медалларига сазовор бўлдилар.

Донецкнинг «Шахтёр» командаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган Москва спартакчилари эса колган ўйинларнинг натижасидан қатъий назар кумуш медалларни қўлга киритдилар.

Бронза медаллари учун Москва ва Тбилисининг «Динамо» ҳамда «Торпедо» командалари курашни давом эттирадилар.

«Пахтакор» шу турда «Нефтчи» командасидан 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

Зарбдор отрядлар улуши

Республикамиз партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга қарата Мурожаатига жавобан Тошкент заргарлик буюмлари заводининг комсомолларидан ташкил топган зарбдор отрядлар коммунистлар раҳбарлигида пойтахт ва Жиззах области пахта далаларига отланишган эди.

Пойтахт областининг Галаба районидаги Димитров номли колхозда корхона партия ташкилоти секретари Борис Владимирович Ручков раҳбарлигида юзга яқин комсомол «оқ олтин» теримида зарбдорларча меҳнат қилмоқда.

Корхона халқ контроли группасининг раиси О. К. Насриддинов раҳбарлигидаги 25 кишилик комсомолар отряди Жиззах областининг Зарбдор районидаги 13-совхозда меҳнат қиляпти.

Ҳашарчи-комсомол отрядлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Мусобақага ҳар ҳафтада якун ясалади. Куни кеча пахтакорлар ҳузурида бўлган завод касаба союз комитети раиси О. Маҳкамбоев корхона маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол ташкилоти номидан илғор теримчиларга Фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари топширди. Мукофотланган лар орасида ҳисоблаш маркази инженери Р. Губайдуллин, оператор Қурбоной Каримова, ишчи Алим Ҳалилов ва бошқа комсомол ёшлар бор.

— Корхонамиз ҳашарчилари 6 миллион тонналик Ўзбекистон пахта хирмони уюлиб бўлгунга қадар пахтакорлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қиламиз, дейишяпти,—дейди О. Маҳкамбоев.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Халқ депутати» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● «Транспорт бугун ва эртага» — газетанинг ана шу сарлавҳа остидаги иқтисодий обзорида транспорт системасининг самарадорлиги ва иш сифатини ошириш масалалари ҳақида фикр юритилади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

Халқаро мавзуда суҳбат

ТИНЧЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

30 октябрь — Совет—Франция муносабатлари тарихида муҳим сана. Бундан ўн йил муқаддам худди шу куни Парижда «СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари» Совет — Франция алоқаларини ривожлантириш учунги на катта аҳамият эга бўлиб қолмай, шу билан бирга социал-сиёсий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши негизларини ҳам тасдиқлади. Шу жиҳатдан олганда Совет — Франция ҳамкорлиги Европадагина эмас, балки умуман халқаро муносабатларнинг ҳозирги системасида алоҳида ўринни эгаллайди.

СССР билан Франция кескинликни юмшатиш сиёсатини биринчи бўлиб бошлаб бердилар. 70-йиллардаёқ уларнинг ўзаро келишиб килган ҳаракатлари ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишида сезиларли марраларга эришишга ёрдам берди. 1975 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланиб Хельсинкида ўтказилган кенгаш бунга мисол бўла олади. Ҳар иккала давлат куч-ғайрат сарфлаб шу кенгашнинг муваффақиятли ўтишига ёрдам берди.

Бизнинг мамлакатимизда Францияга ва унинг халкига хайриҳоҳлик ва ҳурмат билан карайдилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар иккинчи жаҳон уруши йилларида умумий душманга карши биргаликдаги курашда тўкилган қон билан мустаҳкамланганлигини совет кишилари яхши биладилар. 1966 йилда генерал Де Голл СССРга визит билан келганидан кейин Совет — Франция муносабатларида ҳамжиҳатлик ва ишонч сезилари даражада ўсди.

Бу муносабатлар «ҳамкорлик принциплари» имзоланганидан кейин айниқса мустаҳкамланди. Турли даражадаги учрашувлар ва музокаралар мунтазам тус олди. Савдо алокалари йилдан-йилга кенгаймоқда. 1970 йилдан 1974 йилгача бу алоқалар икки баравар, 1975 — 1979 йилларда уч баравар кенгайди. Ўтган йили савдо обороти яна 43 процент кўпайди. Бизнинг мамлакатимиз Францияга, жумладан, газ, нефть, аммиак, ёғочтахта, пахта, саноат моллари юбориб турибди. Франция бизнинг мамлакатимизга химия саноати учун машиналар ва агрегатлар, компрессорлар, трубалар, кенг истеъмол моллари етказиб бермоқда. Совет буюртмалари Франциянинг ўнлаб корхоналарини, юз мингдаб ишчиларини иш билан таъминламоқда. 70-йилларда Франция фирмалари иштирокида СССРда 120 дан кўп катта саноат объектлари курилди.

Илмий-техника ҳамкорлиги, жумладан, энергетика, алока воситалари, рангли телевидение, денгиз ресурсларидан фойдаланиш технологияси, шунингдек кишлок хўжалиги, медицина, атроф-муҳитни мухофаза килиш соҳасида Совет — Франция программаси муваффақиятли бажарилмоқда. Космик тадқиқотлар соҳасида катта эксперименталр ўтказилмоқда. 1982 йилда қўшма Совет — Франция космик учишини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Совет — Франция ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятларидан айниқса ҳарбий кескинликни юмшатиш ва куролсизланишда тўла фойдаланилгани йўқ. Холбуки, халқаро муносабатлар соҳасида бу имкониятлардан фойдаланиш, АКШнинг авантюристик фаолияти туфайли уруш хавфи кучайганлигини назарда тутганда, ғоят катта аҳамиятга эга бўлади. Баъзи халқаро масалаларда Совет Иттифоки билан Франция ўртасидаги яхши муносабатлар совет халки учун ҳам шунингдек француз халки учун ҳам зарур. Карашлардаги тафовутлар ўтмишда муаммоларни тинч ҳал килиш, ҳамжиҳатликни кенгайтириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш йўлларини бирталикда излаб топишга халакит бермаган эди ва ҳозир ҳам халакит бермаслиги керак. Бизнинг мамлакатимиз президент Ф. Миттераннинг Франция СССР билан хар икки томон учун фойдали муносабатларни сақлаш ва ривожлантиришни истайди, деган баёнотини табриклайди.

«Ҳамкорлик принциплари»га ҳамда «СССР билан Франция ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация» (1975 йил) ва «Халқаро кескинликни юмшатиш тўғрисида баёнот» (1977 йил) сингари бошка Совет — Франция ҳужжатларига асосланган бу муносабатлар тинчликнинг муҳим омили сифатида сақлаб колиниши керак.

Л. И. Брежнев Ф. Миттеранга унинг президент бўлиб сайланиши муносабати билан юборган мактубида «Совет Иттифоки билан Франция куролланиш пойгасини тўхтатиш, куролсизланиш, харбий можаро ўчокларини тугатиш, Европада ва бутун дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида Шарк билан Ғарб ўртасида ҳамжиҳатликка кўмаклашаверади», деб ишонч билдирди.

Т. КУДРЯВЦЕВА.
(ТАСС).

Мажбуриятлар изидан

АНИҚ МАРОМДА ИШЛАЙЛИК

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Икки мусобақадош район саноат, транспорт ва алоқа корхоналари ишлаб чиқариш коллективлари Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига арафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, тўққиз ойлик ишлаб чиқаришлик планини муваффақиятли адо этдилар.

Октябрь райони саноати маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича январь-сентябрь ойлари топшириғини 3,6 процент, Чилонзор райони эса 3,6 процент ортиғи билан адо этди. Шунингдек, районлар планга қўшимча 4,371 ва 2.217 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ 3,4 ва 3,5 процент ортиғи билан адо этилди. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати 3,4 ва 6,5 процент юқ алди,

Меҳнат унумдорлигини юксалтириш плани Октябрь районида 103,7 процент, Чилонзор районида 103,8 процент адо этилди. Районларда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 ва 2,4 процент ўсди. Бунда Октябрь районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишнинг 61,9 процентига, Чилонзор районида 32,3 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

«Тошкентпиво» бирлашмаси, «Вторчермет» корхонаси (Октябрь райони), электр приборлари заводи, «Промсвязь» заводи, Ўзбекистон ССР кўрлар жамиятининг 2-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси, «Промгражданстрой»нинг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси (Чилонзор райони) ишлаб чиқариш ҳажмининг 8—10 процент юксалишига эришдилар.

Бир қатор коллективлар шартномадаги мажбуриятларини бажара бориб, йиллик мажбуриятда белгиланганидан анча кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар. Улар қаторида «Тошкентпиво» бирлашмаси, «Малика» бирлашмаси, бадиий буюмлар фабрикаси, картон ва қоғоз буюмлари фабрикаси (Октябрь райони), шаҳар ремонт қурилиш тресті ишлаб чиқариш корхоналари комбинати, Ўзбекистон ССР кўрлар жамиятининг 1-ишлаб чиқариш комбинати, Ўзбекистон ССР кўрлар жамиятининг 2-ишлаб чиқариш корхонаси (Чилонзор райони) бор.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар — кўн-мўйна ва металл фурнитуралар заводлари, тикувчилик бирлашмаси, «Матбуот» полиграфия бирлашмаси (Октябрь райони), электр приборлари заводи, «Промсвязь» заводи, «Промгражданстр о й» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси, 2-пойафзал фабрикаси (Чилонзор райони) шартномада белгиланган ҳажмда маҳсулот етказиб бериш бўйича план топшириқларини бажаришнинг таъминламадилар.

Октябрь райони корхоналари январь-сентябрь ойларида умумий маҳсулот ҳажмида 16,6 процент маҳсулотни, Чилонзор райони корхоналари 6,4 процент маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан тайёрлади. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш плани Октябрь районида 109 процент, Чилонзор районида 107,3 процент бажарилди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Октябрь районида 121,8 процентни, Чилонзор районида 111,6 процентни ташкил этди. Октябрь районида маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойлик план бажарилмади. Металл-фурнитура заводи, чўтка фабрикаси, бадиий буюмлар фабрикаси, «Промгражданстрой» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси маҳсулот таннархнинг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Мусобақадош районларда қолоқ корхоналар йўқ. Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ойлик программани уддаласа олмади. Жумладан, Октябрь районида икки цех, беш участка, 21 бригада, 293 ишчи, Чилонзор районида уч цех, уч участка, 800 бригада, 104 ишчи қолоқлар сафида қолди.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молия манбаалари — 1981 йилнинг январь-август ойлари маълумотлари Октябрь районида 69 процент, Чилонзор районида 100 процент бажарилди. Октябрь районида қурилиш-монтаж ташкилотлари турар жойни фойдаланишга топшириш саккиз ойлик планини 31 процент, Чилонзор районида 81 процент адо этди.

Январь-сентябрь ойларидаги социалистик мусобақа якунини Октябрь район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири А. МИРҚОСИМОВ шарҳлайди:

— Район меҳнаткашлари Улуғ Октябрь байрамини яхши кайфият билан кутиб олаяптилар. Тўққиз ой мобайнида улар социалистик мажбуриятга қўшимча миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилдилар.

Бу йил меҳнат коллективларида кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари туғилиб, кенг ёйилди. Жумладан, «Средазэнергоцветм е т» ишлаб чиқариш-техника корхонаси меҳнаткашлари ишчилар сонини кўпайтирмасдан ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини оширишташаббуси билан чиқдилар. Натижада улар бу соҳада салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар. Корхонада ишчилар сони ҳатто 50 тага камайди, маҳсулот ишлаб чиқариш эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,8 процент ўсди. Бу илғор бригада пудратини жорий этиш натижасидир. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги кескин (8,7 процент) ўсди.

Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги арафасида юзлаб ишчилар йиллик программани муддатидан илгари уддаланганликлари ҳақида рапорт берадилар. Кўплар ҳозир йиллик планни бажаришди. Мен «Еттилар ташаббуси» қатнашчиси бўлган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси коммунист Машкура Қодированинг номини мамнуният билан тилга оламан. Бу ёш меҳнаткаш аёл ҳозирнинг ўзида икки йиллик топшириқни уддалаб, шу кунларда 1983 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти.

«Малика»да ўн ишчи Машкура ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилишди ва ҳозирги кунда 1982 йил ҳисобига меҳнат қилишаяпти.

«Таштрансспецстрой» трестининг К. Скримников ва В. Барсуков бошлиқ бригадалари коллективлари беш йиллик планни Ўзбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қадар бажаришга аҳд қилиб, ҳозирги кунда 1982 йилнинг декабрь программасини якунлашаяпти.

«Малика» бирлашмаси коллективи юксак унумли меҳнат қилди. Бадиий буюмлар фабрикаси, «Ташинжстрой» трести коллективларининг кўрсаткичлари ҳам чакки эмас.

Социалистик мажбуриятларини уддалай олмаётган корхоналар ҳам бор. Масалан, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси мажбуриятдагидан 200 минг сўмлик кам маҳсулот берди. Тикувчилар худди шунча миқдордаги янги буюм — плашчни тайёрлаб бермадилар.

Кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам социалистик мажбуриятларини уддалай олмади. Аслида бу корхонада кўпроқ маҳсулот бериш учун имкониятлар бор. Фурнитура етказиб берувчилар ишга ҳалол беришяпти. Яқинда бирлашма раҳбарлари «Средазэнергоцветмет» корхонаси билан айрим фурнитуралар ишлаб чиқариш бўйича шартнома имзоладилар. Бу янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Иш яхши ташкил этилса «Сувенир» фабрикаси ҳам кўпроқ маҳсулот бериши мумкин. Корхона ўз буюртмачиларига маҳсулот етказиб бериш планини мунтазам бажарилмоқда. Унинг ассортименти йиллар мобайнида ўзгармаяпти.

Шаҳримиздаги сут комбинати коллективи аҳолига кўплаб сут маҳсулотлари етказиб бермоқда.

СУРАТДА: (юқорида) шу корхонанинг пешқадам ишчиси, Фарида Турсунова тасвирланган.

* * *

Сиз пастдаги суратда кўриб турган Одил Орипов заргарлик заводида ишлайди. Коммунистик Меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу ишчи шу кунларда 1982 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

И. Шоиногомов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Меҳнаткашлар учун уй-жой

БУДАПЕШТ. Венгрияда уй-жой қурилишини кенгайтириш юзасидан ишлаб чиқилиб, республика жамоат ташкилоти ва давлат органлари муҳокамасига тақдим этилган директиваларнинг асосий мазмуни ишчилар, кўп болали оилалар, янги келин-куёвлар учун уй-жой масаласини жадал ҳал этишдан иборат, ВСИП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми маъқуллаган бу ҳужжат партия социал сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ифодалайди.

Венгрияда аҳолини уй-жой билан таъминлаш узоқ муддатли, планли асосда олиб борилмоқда. Уй-жой қурилишининг 1975 йилда тугалланган биринчи ўн беш йиллик истиқбол программаси муваффақиятли амалга оширилиши натижасида бир миллиондан ортиқ венгер оиласи янги уйларга кўчиб чиқди. Иккинчи программа унинг мантиқий давоми бўлди. Шу программага мувофиқ ўтган беш йилликда 450 мингдан кўпроқ оилага квартира калитлари берилди.

Уй-жой қурилишининг иккинчи истиқбол программаси рўёбга чиқарилиши асосида 1.2 миллион венгер оиласи янги квартира олади.

КОРХОНАНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

ПРАГА. «Водни ставби» бирлашмасининг мутахассислари ЧССРдаги ҳар бир объектни барпо этишда қатнашмоқдалар, дейиш мумкин. Ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган корхона шу йиллар давомида Влтава дарёсида тўғонлар ва айланма каналлар системасини барпо этди, республиканинг турли областларида темир йўл кўприклари ва энг муҳим гидрокомплекслар қуришда қатнашди.

Бирлашма меҳнатчилари Чехословакия пойтахтининг ҳозирги қиёфасини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг иштироки билан миллий театр реконструкция қилинмоқда. Прагадаги муҳташам маданият саройи ансамбли ва мамлакатдаги энг катта «котва» универмаги қурилди. «Водни ставби» бригадалари Прага метроси қурилишидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳар йили «Водни ставби» ходимлари уч миллиард кроналик ҳажмда иш бажармоқдалар.

АВИАТОРЛАР ШУҲРАТИ

ГАВАНА. Пуштагига кўк-қизил эмблема қўйилиб, «Кубана де авиасьон» сўзлари ёзилган самолётларни Европа, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг пойтахтларида тэбора тез-тез учратиш мумкин. Куба компанияси зўр обрў-эътибор ва яхши шуҳрат қозонди. Юқори малакали учувчилар составн, анъанавий кубача меҳмондўстлик, сифатли хизмат кўрсатиш, техниканинг пухталиги, шуларнинг ҳаммаси пассажирларни ўзига ром қилмоқда. Ҳар йили «Кубана» самолётлари халқаро ва ички линияларда 800 мингдан кўпроқ кишини ташмоқда.

Кубанинг ички линияларида ҳам авиация қатнови тармоғи анча кенгайтирилди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик туфайли Куба граждан флоти дадил ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда техникавий ёрдамдан — Кубага авиация техникаси ва запас қисмлари етказиб беришдан ташқари, Совет Иттифоқи миллий кадрлар тайёрлашда республикага кўмаклашмоқда.

АГРАР СИЁСАТ МУВАФФАҚИЯТИ

ҚОБУЛ. Афғон деҳқонлари ва чорвадорларининг фидокорона меҳнати туфайли, давлатнинг тобора кенгайиб бораётган ёрдами билан асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосили, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бу йил бултурги кўрсаткичлардан ошиб кетади. АДР қишлоқ хўжалиги ва аграр ислоҳот министри Фазл Раҳим Мэманд Бахтар агентлигининг мухбири билан суҳбатда шу гапни айтди.

У қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш истиқболларига тўхталиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўпайтириш проблемаларини ҳал этиш учун қишлоқдаги социал-иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш, феодализм қарқитларини тугатиш, илғор агротехникани, технологияни кенг қўлланиш ва деҳқончилик ишларини механизациялаш кераклигини уқтириб ўтди.

Келгусида давлат сектори қишлоқ хўжалигида тобора катта роль ўйнаши ҳозирнинг ўзидаёқ равшан кўриниб турибди, деб таъкидлайди Афғонистон министри. Пахта, қанд лавлаги, сабзавот, сара уруғликлар, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган ихтисослаштирил г а н давлат фермаларини ташкил этиш ишимизда муҳим ўрин олади. Янги кооперативлар тузиш ва мавжуд кооперативларни мустаҳкамлаш ишн давом эттирилади. Бу кооперативлар деҳқонларга тобора кўпроқ манзур бўлмоқда. Шу вазифаларни амалга ошириш муайян куч-ғайрат сарфлашни, анчагина молиявий, моддий чиқимларни ва меҳнат сарфлашни талаб қилади.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

ВЬЕНТЬЯН. Лаосда ЛХДР ташкил топган кунинг олти йиллигини шу йил декабрь ойида нишонлаш шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди. Тўқимачилар, ёғоч тайёрловчилар, транспортчилар, йўл ходимлари, бадиий ҳунармандчилик усталари ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Мамлакатнинг асосий озиқ-овқат экини — шоли ҳосилини йиғиштириб олишга киришган қишлоқ кооператорлари далада зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бу йил камида бир миллион тонна дон олишга сўз берганлар.

УАЙНБЕРГЕР ДАРҒАЗАБ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер Ғарбий Европага қилган сафаридан қайтиб келгач, Европа қитъасидаги урушга қарши ҳаракатни қоралаб гапирди. Шу билан бирга у Лондон, Париж, Рим ва Боннда Америкининг ўртача олислиқка учадиган янги ракеталарини жойлаштиришга қарши намойишларга жуда жиддий муносабатда бўлиш кераклигини, чунки уларда юз минглаб кишилар қатнашаётганини эътиборга олиш кераклигини тан олди.

Шу муносабат билан бу ердаги хабардор доираларнинг эслатиб ўтишларича, Бундестагдаги Хдс-Хсс Фракциясининг раиси Г. Кольнинг АҚШга яқинда қилган визити вақтида Америка маъмурияти ГФРда ракеталарга қарши оммавий ҳаракат кучайиб боришига йўл қўймасликка ўтиниб даъват қилган эди. Шу доираларда уқтириб айтишларича, президент Р. Рейган билан АҚШ давлат секретари А. Хейг Хдс-Хссининг ГФРдаги ҳокимият тепасига чиқишини табриклаган бўлур эдик, деб Г. Кольни ишонтирдилар. Коль эса ўзи ҳокимият тепасига чиққан тақдирда, унинг ҳукумати ГФР территориясида Американинг қанотли ракеталари ва «Першинг—2» ракеталари жойлаштирилишига тайёргарликни тезлаштирган бўлур эди, деб ваъда қилди. Коль, мен бошчилик қиладиган ҳукумат НАТОнинг «қўшимча қуролланиш» тўғрисидаги маълум қарори молиявий оқибатлари билан алоқадор бўлган Американинг ҳамма талабларини бажарган бўлур эди, деган ваъдани ҳам берди.

Транспорт ва йўловчи

ЭЛ АРДОҒИДА БЎЛИНГ

Троллейбус рацциясидан: Келгуси бекат Фрунзе савдо маркази. «Россия» меҳмонхонасига, «Самарқанд» автовокзалига борувчилар тушиб, бошқа транспортларга ўтишларн мумкин», деган овоз янгради.

Мен оқ сариқдан келган, баланд бўйли бу ҳайдовчи йигитни кўп марта синаганман. У бошқараётган 1180 номерли троллейбуса равон юриши-ю, ҳайдовчининг ҳар бир бекат номи, транспортдан фойдаланиш қоидалари, шунингдек, бекатлардаги асосий марказ ва объектлар билан таништириб боришидан мамнун бўлмасдан иложи йўқ.

Биз охирги бекатга боргач, ҳайдовчи йигит билан суҳбатлашдик.

— План-т о п ш и р и қ л а р и қ а н д а й бажаряпсиз?

— Кўпчилик қатори, 105—110 процент.

— Қанча вақтдан бери троллейбус бошқарасиз?

— Бу касбга 1979 йилда ишқим тушган.

— Ҳар бекатни, асосий жойларнинг номларини айтиб боришингизга сабаб нима?

— Пойтахтимизга ҳар куни минглаб меҳмонлар келишади. Уларнинг орасида шаҳримизга биринчи бор келганлари бўлиши шубҳасиз. Мақсадим уларга ёрдам бериш, қолаверса, «Меҳмон отангдан улуғ» дейдилар.

Бу олижаноб ҳайдовчининг жавобидан яна бир бор кўнглимиз равшан тортди. Исми, фамилиясини сўрадик:

— Абдумалик Абдуҳакимов Биринчи троллейбус паркида хизмат қиламан.

А. Абдуҳакимовнинг троллейбуси салони ҳамиша озода, керакли қонда ва эълонлар ёзилган, кассалар ҳамда компостерлар талабга мувофиқ бўлади. Бу йигит каби эл олқишига сазовор транспорт хизматчилари оз эмас, улар тўғрисида қанча тўлқинланиб гапирсак арзийди.

Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳурмача қилиқ ҳайдовчилар ҳам йўқ эмас. Қанчалик ранжийлик-ранжимайлик бундай «азаматлар»ни учратиб туриш мумкин. Улар гоҳо юқори тезликда бораётган транспортни шартта «блота урган-дек» тормозласа, гоҳо ўрта ва орқа эшикларни тақа-тақ бекитиб олиб, димиққан йўловчиларни битта-битта санаб ўтказишади. Дағаллик қилишади. Баъзи бир ҳайдовчиларимиз бекатларни эълон қилишни ўзларига эп кўришмайди. Такси, маршрутли такси каби салони тор транспортларда «Чекиш мумкин эмас» деган эслатмани келиштириб ёзиб қўйиб, ўзлари муқом билан тамаки тутатувчи ҳайдовчилар ҳам топилади.

Шаҳримиз, унинг кўчалари нақадар тўғри. Бу тўғрилик бунёдкор халқимизнинг меҳнати туфайлидир. Шаҳримиз кўчаларида замонавий транспорт воситаларининг оқими тинмайди. Биз ана шу транспорт воситаларининг қадрига етишимиз керак. Замонавий машиналарни бошқараётган ҳайдовчилар меҳнати даврада айтилган дилрабо қўшиқ мисоли йўловчиларга дилхушлик бахш этсин. Шундай кишиларни эл ардоқлайди.

М. ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги бўлими инженери.

Бош универсал магазинида 27 октябрдан 4 ноябргача ўтказилаётган Минскдаги Октябрь Революцияси орденли «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган «Горизонт—723», «Горизонт—728» телевизорларининг савдо кўргазмаси тошкентликларда катта қизиқиш уйғотди.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

Минск «Горизонт»и тошкентликларга

Пухта ишлайди, тасвири ва овози юқори сифатли, оригинал кўринишга эга — бўларнинг ҳаммаси универмагга келган харидорларнинг эътиборини тортган буюмларга берилган баҳодир. Маҳсулот намойиш этиладиган зал гавжум. Бу ерда харидорлар учун қатор хизматлар ташкил этилган. Телевизорларни уйга олиб бориб бериш, завод вакилларининг малакали маслаҳатлари, техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча гарантиялар шулар жумласига киради.

«Қайси телевизор энг яхши?»—бугунги кунда ушбу савол кўпчиликни қизиқтиради. Айни замонда Минск «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуюмларини таналяпти.

Бирлашма ўз маҳсулотларини 23 та мамлакатга, жумладан Англия, Франция, Швеция, Италия, Финландияга юборяпти. Ҳозирги замон телевизорлари мураккаб кенг истеъмол буюмларидан ҳисобланади. Уларнинг ишлаши мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарлари жумладан Тошкентдаги «Миконд» корхонаси етказиб бераётган деталларга боғлиқ. Битта телевизорнинг ишлаши учун 1,5 мингдан ортиқ турли деталлар керак.

Харидорлар уларни яратувчиларга ва ишлаб чиқарувчиларга кун сайин кўпроқ талаблар қўйишяпти. Коллективимиз «Ҳар бир буюмни ишлаб чиқаришга—юксак сифат» шоири остида социалистик мусобақани авж олдиряпти. Бу йил планга қўшимча равишда бир неча минг та телевизор ва радиоприёмник тайёрлашга аҳд қилинди. Корхонамиз меҳнатчилари ўз сўзларига амал қилиш учун барча резервлардан фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Улардан бири савдо ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш. Бу харидорлар талабини ўрганиш ва келгусида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида маълумот олиш имконини беради. Бунда савдо кўргазмалари ташкил этиш, харидорлар конференцияси ўтказиш, айниқса муҳим. Масалан, харидорлар, шу жумладан тошкентликлар янги телевизорлар ва радиоприёмникларнинг техник жиҳатлари олдингиларга нисбатан янада истак билдиришган эдилар. Бирлашма конструкторлари ана шу истакни тезда инобатга олишди. Ҳозир «Горизонт—736» янги рангли телевизорни серияли ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўришяпти. Унинг бошқариш пульти енгил чиқариб олиш мумкин бўлган алоҳида узелдан иборат бўлиб, аппаратнинг оғирлиги бирмунча енгиллаштирилди, деталларни тайёрлаш ва йиғиш технологияси такомиллаштирилди.

Бугунги кунда бирлашманинг лабораторияларида, конструкторлик бюросида «Горизонт—723», «Горизонт—728» телевизорларини янада такомиллаштириш ишлари давом этяпти.

Бизнинг реклама хизматимиз ҳар йили улгуржи ва кооператив савдо базаларида бўлиб, анкета ва оғзаки савол-жавоблар ўтказади. Бу харидорлар талабини ўрганишга ёрдам беради. Харидорлар берган баҳога қараб бирлашмада тайёрланган маҳсулотни рационал тарқатиш ва реализация этиш бўйича махсус тадбирлар кўрилади. Ҳозир ана шундай савдо кўргазмаси Тошкентда ўтказиляпти.

Бош универсал магазинининг савдо комплексида телеаппаратларнинг катта ассортименти қўйилган. Харидорларнинг яхши танлаб олишлари, малакали маслаҳат олишлари, буюмларни уйга етказиб бериш учун расмийлаштиришлари, янги аппаратлар билан танишишлари учун қулай шароит бонлиги — магазин ходимларининг хизматидир.

4 ноябрь куни савдо кўргазмаси якунида харидорлар конференцияси ўтказилиб, харидорлар унда ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини айтишлари мумкин. Албатта, фикр алмашиш маҳсулот тайёрловчи заводга, савдо тармоғига ва аввало харидорларга фойда келтиради.

Г. ЧУНИШКОВ,
Минскдаги «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси реклама бюросининг бошлиғи.

Сиз суратда кўриб турган Муҳаббат Шермуҳамедова, Зуҳро Сабриддинова ва Доногул Тўхтаевалар бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехида бир неча йиллардан бери ишлаб келишади.

Комсомол ёшлар бригадасининг аъзолари бўлган бу пешқадам ишчилар смена топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ДЎСТЛИК РАДИО КЎПРИГИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида бевосита кўп каналли тропосфера алоқа линияси барпо этилганлиги — иккала мамлакатнинг самарали миллий-техникавий ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим қадамдир, деди Ҳиндистон алоқа министри Ч. М. Стефен. СССР алоқа министри В. А. Шамшин бошчилигида шу линияни очиш учун бу ерга келган совет делегацияси билан учрашувда, Ҳиндистон министри бу линиядан фойдаланиш Совет — Ҳиндистон кўп томонлама муносабатларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашишгина қолмай, шу билан бирга Ҳиндистоннинг Европа мамлакатлари билан алоқаларини кенгайтириш имконини ҳам беради, деб таъкидлади.

Тропосфера алоқа линиясини барпо этиш тўғрисидаги битим 1977 йилда имзоланган эди. Битимда иккала мамлакат территориясида ер устидаги станцияларга совет радиоускуналарини ўрнатиш, совет инженерлари, техниклари ёрдамида ҳинд мутахассисларини тайёрлаш кўзда тутилади.

ЭҲМ командаси билан

ТОКИО. Электрон ҳисоб машинасининг командасига биноан механик қўл қуйма заготовкани станокка келтирди. Компьютер заготовканинг ўрнатилишини текшириб чиқди ва энг мақбул иш режимини танлаб олгач фрезани ишга солди. Робот механик ишлов натижаларини контролдан ўтказгач, бўлғуси токарлик станогининг станинасини конвейерга қўйди, конвейер эса уни навбатдаги операция жойига элтди. Механик қўллар узил-кесил контролдан ўтказгач, йиғиш учун тайёр деталларни платформага ортди.

Япония «Ямадзаки теккосио» станоксозлик компаниясининг Нагоя шаҳрида ишга тушган батамом автоматлаштирилган заводи шундай ишламоқда. Бу ерда кундузи фақатгина олти нафар ишчи бўлади ва улар асосан келиб турган чала тайёрланган буюмларни қабул қилиб олади ва тайёр маҳсулотни ортиб туради. Ишлаб чиқариш жараёни кечаю-кундуз давом этсада, заводда тунги сменада биронта ҳам ишчи йўқ. Ярим кечадан эрталаб соат 8 гача ҳамма ишни — заготовкаларни ўрнатиш, уларга механик ишлов бериш ва контрол қилишни, носоз асбобни алмаштириш автоматлар бажаради.

Компания автоматлар билан бошқарувчи компьютерлардан иборат механик ишлов берадиган икки линиядан фойдаланиши натижасида «ишчисиз завод» барпо этиш мумкин бўлди. 2,7 минг квадрат метр саҳили корхонада ишлов берувчи 18 марказ ва иккита катта саноат роботи ишлаб турибди. Улар одамнинг бевосита иштирокисиз заготовкаларни мураккаб деталларга айлантиради ва программа билан бошқариладиган станокларни йиғиш учун 1200 га яқин деталь ишлаб чиқаради. Компания эгаларининг айтишича, автоматлар одатдаги 216 станок ишини бажаради.

Электрон автоматлар Япония саноатида кенг қўламда жорий этилмоқда. Ҳозирги вақтда, деб хабар қилади Киодо Цусин агентлиги, Японияда 14.000 га яқин роят аниқ саноат роботи ишлаб турибди. Улар ниҳоятда мураккаб операцияларни, шу жумладан 1 микронга қадар аниқликдаги йиғиш ишларини бажармоқда. Айни маҳалда АҚШда бундай роботлар сони 3,3 мингтадан ошмайди. ГФРда эса 580 та холос.

Эрондаги вазият

ТЕҲРОН. Эронда режим мухолифларини қатл этиш ва қамоққа олиш давом этмоқда. Теҳрон радиосининг хабар беришича, кейинги икки кун ичида мамлакатда 30 киши қатл қилинган. «Иттилоат» газетасининг хабар беришича, Эрон пойтахтида савдо доиралари намояндаларидан 15 киши қамоққа олинган. Улар ҳозирги режимга қарши қуролли кураш олиб бораётган ҳукуматга қарши ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда айбланмоқда.

Машҳадда режимнинг олти мухолифи, Семнанда эса 4 мухолифи қамоққа олинган. Арак шаҳрида хавфсизлик органлари қуролларнинг омборини қўлга олган.

Маъмурий ишлар давлат министри Беҳзод Набавининг уйига қуролли ҳужум уюштирилганлиги хабар қилинади. Соқчилар ҳужумни қайтарганлар.

Радио Эрон Қурдистонида қуролли тўқнашувлар давом этаётганлигини эшиттирмоқда.

Адабиёт ва Санъат

«Ажойибдир бу олам!»

Шундай деб аталган музиқали-поэтик композиция Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғининг ходимларига ва бу ерда ишлаб турган «Қизил чиннигул» ансамблига маданий-маърифий ишлар ташкилотчилари Бутуниттифоқ конкурсида лауреатлар унвонини олтирди. Тошкентликлар тақдим этган программа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган бўлиб, қишларни табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга чақиради ва шу билан бирга урушга қарши характердадир.

Узбекистон пойтахтининг вакиллари голиб чиққан кўрик Геленжикда ўтказилди.

(УзТАГ).

САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

АЛЛА ПУГАЧЁВАНИНГ ҚЎШИҚ ТЕАТРИ

— Алло, бу редакциями!
— Худди шундай, эшитамиз...
— Агар мумкин бўлса Алла Пугачёва ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилсангизлар...

Тошкентда таниқли эстрада қўшиқчиси Алла Пугачёванинг гастроль концертлари давом этаётган кунларда бундай қўнғироқлар жуда кўп бўлган эди. Унинг гастроллари ниҳоясига етганига анча бўлди, аммо шу мазмундаги хатлар ҳамон келиб турибди...

Унинг ҳар бир чиқиши одамларга битмас-туганмас шодлик ва қувонч бахш этади. Шу боисданми, унинг номини эстрада қўшиқлари мухлислари жуда яхши биладилар. Кўпгина қўшиқларнинг сўнггида бутун зал оёққа туриб, унга яқин бўлиб қўйлаб юборганини билмай қолади. Асли унинг концертларини «Қўшиқ театри» деб айтиш ўринли бўларди. Чунки Алла Пугачёванинг ҳар бир қўшиғи замирида бир инсон қувончи, фожиаси, дарди, бахти, умри ётади.

Эстрада артистларининг Бутуниттифоқ конкурси лауреати, «Олтин орфей—75» халқаро конкурсининг голиби, 1978 йил Сопот халқаро қўшиқ фестивалида Бош совринни олган таниқли қўшиқчи — Алла Пугачёва муваффақиятларининг замини шулар эмасминин? Мухлислар қалбини забт этиш бахти ҳар қандай санъаткорга ҳам насиб этавермайди. Алла Пугачёванинг эса, юрак-юракдан чиқариб айтаётган қўшиқлари миллионлаб кишиларнинг кўнгил тўридан жой олаётир.

Биринчи марта у эстрадала эмас, эфирда «Эрталабки салом» эшиттиришида «Робот, инсон бўлсангчи» қўшиғи билан ўзини таништирган эди. Қўшиқдаги стандарт лирик оҳанг етарли даражада. Ёш болаларча дилкашлик ортиқча бўлса-да, Пугачёва ижросида ярим болаларча завқ-шавқ ва инсон характеридаги кулги ва жиддийлик ҳам ўз ифодасини топган эди. «Робот, инсон бўлсангчи» тингловчиларга ғоят манзур бўлди. Аммо, унинг ижрочиси нимагадир «жимиб» кетди. Орадан ўтган ўн йилнинг ҳар бир куни ўзининг ижро йўлларини, услубини излаш билан ўтди. Бу орада музика билим юртини тамомлади. Концертмейстерлик фаолияти давомида репертуарини ранг-баранг қўшиқлар билан бойитди. Ниҳоят 1969 йили Алла Пугачёва «Янги электрон» ансамбли билан саҳнага чиқди...

«Арлекино» қўшиғини тингламаган, ундан завқланмаган киши бўлмаса керак. Болгар композитори Э. Дмитриевнинг А. Василов (русча текст муаллифи Б. Барнас) сўзига ёзилган бу қўшиқ Алла Пугачёвага катта шуҳрат келтирди. Муваффақиятга эса қўшиқ мазмунидаги ёки музикасидаги янгиликкина эмас, балки ижро этиш услубининг ўзига хослиги туфайли эришилганди. Профессионал етуклик, музикали образ поэзияси ва шеърий сўзларнинг мусиқийлиги, драматик воқелик моҳиятини чуқур англаш, сўз ва мусиқанинг қудрати, интонациянинг кескин қарама-қаршилиги — қаҳрамон характерини чуқур очиб беришга хизмат қилади. Хонанданинг саҳнада эркин ҳаракат қилиши, цирк масҳарабозларига хос усулби қўшиқчининг ижродаги эски услубдан янгиси сари дадил интилаётганлигини тасдиқлади. У ўзи шундай ҳикоя қилади. «Онам қўшиқчи бўлишни, отам эса масҳарабоз-экс ц е н т рик бўлишни орзу қилганди экан. Бироқ никаласи ҳам инженер бўлишган. Отамнинг ҳам онамнинг ҳам интилишлари менда мужассам бўлганлиги галати. Мен «қуйловчи-мас ҳ а р абоз» бўлиб етишдим».

Ҳозиргача «Арлекино» пластинкасининг умумий тиражи 14 миллион донадан ошиб кетди. Ўтган йили эса ў ўзининг «Қалб кўзгуси»ни мухлисларга тақдим этди. Бу альбомнинг ҳам тиражи кўп миллионли бўлишига қарамасдан, шу кунларда, уни ҳеч бир магазиндан топиб бўлмайди.

Ҳаммага таниқли бўлиш... Бу санъаткор учун катта бахт. Аммо, ҳаётда у қийин, чилик ҳам туғдиради. Бундай саволлар Алла Пугачёвага тез-тез бериб турилади. У шундай деб жавоб беради: «Оммавийлик, таниқли бўлиш — ҳамма**мага** бўлганидек менга ҳам ёқади. Чунки таниқли бўлганда — халққа янада якинроқ бўлар экансан. Аввалари мен, кўчадан ўтиб кетаётганингда ҳамма сени танишини, билишини тасаввур ҳам қила олмасдим. Энди эса мени танигандилган ҳамма билан саломлашиб, кўришиб юришга ҳаммавақт тайёрман».

Пугачёванинг Тошкентдаги концертларида аввал радио ва тележенеда, кинофильмларда ижро этилган, миллионлаб пластинкалар орқали хонадонларимизда янграётган қўшиқлар учрамаганлиги табиий. Ўзига бенҳоя талабчан қўшиқчи мухлислар ҳузурига ҳаммавақт янги қўшиқ билан чиқишни, ҳар гал ўз қўшиқларининг қаҳрамонлари ички дунёсини, характерининг янги қирраларини очиб беришни ўйлайди.

Гастроль давомида бўлиб ўтган учрашувлардан бирида, Алла Борисовнадан қўшиқларининг дунёга келишида меккан қувонч ва машаққатларни ҳикоя қилиб беришни сўрадик.

— Ҳар бир қўшиқ калбимнинг бир парчасидир. Баъзи қўшиқлар борки, бир-икки марта айтилади-ю, қолиб кетади. Чинакам қўшиқ эса йиллар давомида тилдан-тилга ўтиб яшайверади. Мен ана шундай қўшиқлар айтишни орзу қиладим. Ҳар бир қўшиқ назаримда, ҳаёт спектаклидан бир саҳна. Қўшиклар қандай туғилади? «Юлдузли ёз» қўшиғи атиги бир неча дақиқада дунёга келган: яжжи қизим Кристина роялда нимадир хиргойи қилиб ўтирарди. Мен у билан ёнма-ён ўтирардим... тўсатдан янги қўшиқ оҳанги туғилди. Шу кайфият билан сўзлари ҳам ёзилди... Марказий телевидениенинг янги йил базмида ижро этилган Илья Резник ва Раймонд Паулснинг «Маэстро» қўшиғи эса деярли бир йиллик меҳнатимиз мевасидир. Унинг 20 га якин вариантини ишлаб кўрдик. Бирок бу қўшиқларни телевидениедан бошқа, ҳеч каерда саҳнада айтганим йўқ, айтмасам ҳам керак. Чунки у фақат телевидение учун яратилган, холос».

Алла Пугачёванинг «қўшиқ театри» айни етуклик палласида. Гарчи у «Қўшиқ айтаётган аёл» фильмида бош роли ўйнаган, бир неча фильмларда кадр ортида ашулаларк билан қатнашган бўлса-да, эстрада қўшиқлари, унинг ўзи айтганидек фаолиятининг асоси бўлиб қоларади. Ундаги ёркин ўзига хослик, маҳорат, истеъдод ҳали кўп йиллар давомида одамлар қалбини чексиз шодликларга тўлдириши шубҳасиз.

С. СОДИҚОВ,
И. ЭГАМНАЗАРОВ.

Қизиқарли тадқиқот

ТАҚРИЗ

Санъатшунос л и к фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров кўп йиллардан буён театр жанрлари, хусусан, ўзбек музикали драмаси проблемасига қизиқиб келади. Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган «Сеҳр ва меҳр» номли китобида М. Қодировнинг ана шу тўғридаги илмий изланишлари, кузатувлари, фикр-мулоҳаза л а р и жамланган.

Аввало шуни айтиш керакки, китоб қизиқарли, илмий-оммабоп тилда ёзилган. Номи ҳам чиройли. «Сеҳр ва меҳр» дейиш билан муаллиф томошабинининг музикали драмани бу қадар севиши, санъатнинг таровати, сеҳри туфайлидир, деган фикрни уқдирмоқчи. Дарҳақиқат, шундай: санъатда сеҳр, ўзин таъсирчанлик бўлмаса, томошабинда меҳр пайдо бўлиши даргумон. Муаллифнинг ўзи ҳам музикали драмага бир умр меҳр қўйиб, унинг энг яхши намуналари ва ижрочилари маҳоратидан завқ олиб, камчиликларидан куюниб, жанрни ичил ҳимоя қилиб келаётган фаол томошабинлар—мутахассислардан биридир. Китобда бу жиҳат яхши сезилиб туради. Муаллифнинг шахсий таассуротлари, туйғулари китобнинг қатларига сингиб кетган.

Музикали драма китобда саҳна жанри, асари сифатида, ўзин театршунослик нуқтаи назаридан қаралади. Музиканинг спектакллардаги ўрни, вазифалари ҳақида фикр юритиладию, бирок у махсус таҳлил қилинмайди. Муаллиф ҳар қандай эътирознинг олдини олиб, титул саҳифада камтарлик билан «Музикали драма ҳақида театршунос ўйлари» деган кичик сарлавҳа беради.

«Музикали драма,— деб ёзади муаллиф,— ижоднинг ўзича мустақил уч соҳаси, яъни драматургия, музика, театрнинг бир мақсад йўлида уюшуви, бирбирини тўлдирувидан ҳосил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, музикали драма пьеса, шу асосда ёзилган музика ва саҳнавий талқин каби уч асосий компонентдан иборат. Зотан, на пьесани ва на унга ёзилган музикани, алоҳида-алоҳида олиб қараганда, музикали драма деб бўлади. Ана шу пьеса, ана шу музика, шунингдек, балетмейстер томонидан ижод қилинган рақслар театрнинг ижодий коллективи, ижрочилар ва оркестр томонидан ўзлаштирилиб, саҳнавий хатти-ҳаракатга айлантирилгандаги и а музикали драма ҳосил бўлади».

Назаримда, жанрга бундай ёндашув тўғри бўлиб, шу пайтгача рўй бериб келаётган бир ёқламаликка чек қўймаса ҳам, масалага равшанлик киритиши мумкин.

Китоб «Мавзу таърифи» билан бошланади. Унда муаллиф музикали драма предметини аниқлаб, жанр табиати ҳақида ўз концепциясини баён этади.

«Манбалар ва тараққиёт йўллари» деган биринчи қисмда музикали драманинг қуртаклари халқ урф-одатлари, санъатида асрлар давомида яшаб, ривожланиб, анъанавий театрда муайян форма кашф этганлиги далиллар билан исбот қилинади. Шунингдек, муаллиф жанр асосан совет даврида вужудга келгани ҳамда бу жараёнда рус ва эзар байжон театрлари таъсири аҳамиятли бўлганини қайд этиб, муҳим спектакллар таҳлили асосида жанрнинг 20—30-йиллардаги тараққиёт йўлларини белгилайди.

Иккинчи қисм «Санъат самаралари» деб аталган. Унда Муқимий номидаги музикали театрнинг муҳим ижодий масалаларни ҳал қилган, бадиий яхлитлик ва уйғунлик жиҳатидан эътиборли бўлган «Нурхон», «Олтинқўл», «Фарғона ҳикояси», «Зарафшон қизи», «Ешликда берган кўнгил», «Гули сиёҳ», «Қалам қошлигим», «Қизбулоқ» каби саккизта спектаклига тақриз берилиб, охирида театрнинг 70-йилларнинг биринчи ярмидаги фаолияти умумлаштирилади ва хулосалар чиқарилади.

«Ғўзалик излари» номли учинчи қисмда эса муаллифнинг эбластларда бевосита ўзи кўрган, яратилиш жараёнидан хабардор бўлган спектакллар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, таҳлиллари ихчам ички сарлавҳачалар билан бўлинган ҳолда чиройли қилиб ифодаланган.

Бутун иш давомида музикали драмаснинг севимли санъат экани, томошабиларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳимлиги, бинобарин, у бундан кейин ҳам фаол яшашга ва ривожланишга ҳақлилиги ҳақидаги фикрлар қайд этиб борилади. «Ўйлар» деб аталган якунда муаллиф театр санъатида музикали драма соҳасида қўлга киритилган баъзи муҳим анъаналарни таъкидлаб, жанрни ривожлантириш учун бундан кейин драматург, композитор ва саҳна ижодкорларининг ҳамкорлигини кучайтириш, музикали драманинг барча ички формаларига баро ар эътибор бериш воситаларини кенгайтириш, кадр тайёрлашни яхшилаш зарур деб ҳисоблайди.

Ўйлаймизки, М. Қодировнинг мазкур илмий асари нафақат мутахассисларда, балки кенг китобхонлар оммасида ҳам қизиқиш уйготади ва тез орада тарқаб кетади. Қайта нашр этиш зарурати туғилар. Ўшанда Муқимий театрига бағишланган иккинчи қисм тўлиқ тадқиқот тарзида қайта ишлаб чиқилса, учинчи қисмга бошқа область театрлари фаолиятидан ҳам баъзи намуналар киритилса, якунда вокал масаласи, музика драма учун кадр тайёрлаш проблемаси берилса, «Мавзу таърифи» бироз соддалаштирилса, ишнинг қиймати янада ошган бўларди.

М. ИСРОИЛОВ,
филология фанлари кандидати, доцент,
А. САЙФУТДИНОВ,
доцент, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маданият ходими.

ДАРДИ ДАЛАДА...

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Атиргулли кристалл кўйлак кийган, икки юзи анордек, тўлагина бир аёл кўчада одамлар назарини ўзига жалб этиб, шошилганча кетяпти. Бошидаги кўк ҳарир рўмолининг зар чизиқлари, оппоқ тиғиз этига ботиб турган энли тилла билакузуклари эрталабки кўёш нурида чақнаб кўзни олади. Чап қўлида катта қора сумка, ўнг ёнида етаклаб бораётган дўмбоқ ўғилчасини билагидан маҳкам ушлаганича судрабсилтаб, боғча-ясли томон интиларди. Бола эса, безиллаб йиғлар, оёқларини эркин босолмас, бир нима демоқчию, йиғи зўридан ғудурлаб тушунтиролмас эди.

— Юр, тезроқ, яшамагур, нега йиғлайсан, бир бало бўлдими сенга бугун?—дея она боласининг йиғи сабабига парво қилмай, уни судраб бораверди.

Шу аснода кўча юзидаги уй деразасидан бошини чиқариб қараб турган бир жувон унга гап ташлади:

— Ҳа. Замирахон, магазинга шошилмасиз шекилли? Яхши нарса учраса менга ҳам ола келинг.

— Хўп, бўлади. Бугун ойнинг охири, албатта яхши нарса учрайди,—деди она илиқ табассум билан, оғзи тўла тишларини ярқиратиб...

Боласини боғчага кўйиб қайтиб келаётган ҳаворанг кўйлакли сарвиқомат бошқа бир аёл бу она-боладан кўз узмай ўтиб бораркан:

— Ҳой, сингилим, менга қаранг,—деди йўлида тўхтаб ва уларга яқинлашди. Она «Хизмат?» дегандек қараб қадамини секинлатди.

— Шўрлик болани азоблаб кетяпсиз-а!— деди ҳалиги аёл боланинг оёқларига имо қилиб. — туфлисини қаранг, нотўғри кийдирибсиз.

— Вой, — деди она лабини тишлаб.—ҳаёл билан пайқамабман-а..

У боласига туфлисининг чап пойини ўнг оёғига, ўнгини эса чап оёғига кийдирган экан.

Тезда туфлини ечиб, тўғри кийдириб қўйди.

Бола энди йиғламай эркин одимлаб борар, орқасига ўгирилиб боягн аёлга «раҳмат» маъносида қараб қўярди.

Комил МУҲАМЕДОВ.

МУЗИКАЛИ СОВҒАЛАР

Хоразм области пахтакорлари социалистик мусобақанинг пешқадамлари — Қўшкўпир районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари ҳузурига К. Отаниёзов номли область филармониясининг артистлари келишди. Улар клубларда, дала шийпонларида йиғим-терим қаҳрамонларининг талабларига биноан тузилган концертлар қўйиб бердилар. Жаҳон халкларининг қўшиклари янгради, халқ рақслари ва замонавий рақслар ижро этилди.

Урганчлик саҳна усталари бу йилги «оқ олтин» мавсумида қирқдан зиёд концерт қўйиб бердилар.

Ленин номли республика марказий пионер ва ўқувчилар саройнинг тасвирий санъат тўгарагида шаҳардаги қатор мактабларнинг ўқувчилари фаол иштирок этмоқдалар. Малакали мутахассислар уларга тасвирий санъат сирларини ўргати шяпти.

СУРАТДА: тўгаракда амалий маш ғулот пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

УСТОЗНИНГ ЮЛДУЗИ

(МИРТЕМИРГА)

Йўқ юлдузинг сўнган эмас ҳали устоз!
Учиб кетса марҳумларнинг юлдузлари —
Кўкда юлдуз қолур эди жуда ҳам оз,
Наҳот қолмас коинотда ҳеч изларинг!
Йўқ, юлдузинг ўчган эмас ҳали устоз!
Шеъриятнинг осмонида тургунг порлаб,
Мангуликка қанот ёздинг, қилдинг парвоз,
Юлдуз каби юксакларга бизни чорлаб.

БУРЧ

Ҳосили мўллигидан шохин эгиб,
Беҳи ўз боғбонига этар таъзим.
Мевасин кўз-кўз қилар шамол тегиб,
Ўтганлар беҳтиёр қолар разм.
Кузда беҳини ўзди, деҳқон хуш дил,
Аста беҳи қаддини ростлар энди.
Бурчини ўтагандек тортиб енгил,
Шу кунга етганидан шодмон эди.

ҚАЙСИ ТИЛДА СЎЗЛАЙДИ ИШҚНИ?

Тун сингари сим-сиёҳ кўзинг,
Йўқ, тун эмас бир парча қўёш.
Кўзим юммай боқардим ўзим,
Агар кўрсам яна юз йил ёш.

Ишқим айтсам нукул куласан,
Билолмайман дилингда не бор!
Севишимни яхши биласан,
Билмасликка оласан дилдор.

Тушунтирай сенга қай тилда,
Қайси тилда сўзлайди ишқни!
Айтолмадим, гапим кўп дилда,
Гунг этаркан севги ошиқни.

Барот ИСРОИЛ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ФАХРИДДИНОВ: Маълумки, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинофестивалларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бўлиб ўтган ана шу кинофестивалларга тўғрисида ҳикоя қиладиган махсус китоб чоп этилганми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Бундай пашрлар бир қанча бўлиб, улардан энг батафсили «Кураш аётган экран» китобидир. Бу китобни 1980 йили Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти чоп этди. Тўпламни Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети тўпладн. В. Баскаков, Т. Ветрова сингари таниқли киношунослар бу китобни чиқаришга жалб этилди. Бу китоб Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент кинофестивалининг дастлабки бешта форуми тўғрисида, шу мамлакатларда кино санъати тўғрисида, мукофотга сазовор бўлган фильмлар ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, унда кўпгина қизиқарли фактлар келтирилган. Справка характеридаги материаллар ҳам жамланган.

⁂

М. ХОЖИЕВ: Эшитишимга қараганда, «СССРнинг фахрий донори» деган нишон таъсис этилган экан. Шу нишон билан кимлар тақдирланиши мумкин?

Жавоб: «СССРнинг фахрий донори» кўкрак нишони 1944 йилда таъсис этилган. Бу нишон билан ўн беш мартадан зиёд ҳақ олмай қон топширган ва бундай хайрли ишга бир қанча кишиларни жалб этган шахслар мукофотланадилар.

⁂

М. ГИЕСОВА: Қайсидир бир мамлакатда галати ном билан аталувчи шаҳар бор экан. Бу шаҳарнинг номи «Ўтиринг, марҳамат» деб аталар экан. Чиндан ҳам шундай шаҳар борми?

Жавоб: Перуда Арекипа номи билан аталувчи шаҳар бор. Уни таржима қилганда «Ўтиринг, марҳамат» деган маънони англатади.

...1537 йили испан саёҳатчиси дон Диего де Альмагро Перу соҳилларида тўхтади. У кўли билан ерни кўрсатиб, бу мамлакатнинг номи нима деб аталишини сўради. Индеецлар эса буни тушунмай, сайёҳ ерга ўтиришни сўраяпти, деб ўйлашиб, илтифот билан «Ўтиринг, марҳамат» деб жавоб беришди. Шу-шу шаҳарнинг номи ана шундай деб аталадиган бўлиб қолди.

⁂

Д. ШАРИПОВА: Шаҳримизда болаларнинг кийимларини тиқишга ихтисослашган ателье бор экан. Шу ателье қаерда жойлашган?

Жавоб: Болаларнинг кийим-кечакларини янги тартибда тикиб берадиган бундай ателье Киров районидаги Юнусобод массивида жойлашган. Бу ателье эртакона ном — «Алёнушка» номи берилган.

• • •

А. НАЗАРОВА: Менга жуудан тайёрланган кийим-кечакларни ювишда қўлланадиган кир ювадиган синтетик воситалар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Элона», «Маричка», «Берёзка» каби суюқ холдаги ювувчи воситалар юпка жун ва ипакдан тайёрланган кийим-кечакларни ювишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Шуни ҳам айтиш керакки, «Элона» препарати антистатик жиҳатлари билан ҳам уй бекаларига ҳар жиҳатдан манзур бўлади.

Редактор Ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИДАН

Шу ҳам адолатданми?

Ральф ВИНЕР, ГДР

(ҲАЖВИЯ)

Биронтаси сут-ёғ комбинатига телефон қилгудек бўлса, аксига олгандай доимо менинг телефоним жиринглайди. Шу ҳам иш бўлдими? Йўқ, йўқ бунақаси кетмайди. Сут-ёғ комбинатининг телефон номери 2022, менинг номерим эса 2023. Балки бирон жойда мурвати бўшаб қолган бўлса керак.

Телефон жиринглади:

— Алло, Винер эшитади,— дедим мен.

— 309- озиқ-овқат магазинидан гапирямаи, — эшитилди трубкадан бир аёлнинг овози. У менинг исмимни эътиборга олмади, эҳтимол сут-ёғ комбинатида шунақа исмли ходим ишлар экан-да деб ўйлагаи бўлса керак.

— Сиз бугун бизга бир кило ҳам сузма жўнатмадингиз, — деди у таъна қилгандек.

— Ҳа, биламан.

— Хўш, нега жўнатмадингиз?

— Хоним, айтинг-чи, нима сабабдан мен сизга сузма жўнатишим керак?

— Нима; нима, ахир ҳар куни эрталаб жўнатиб турардинглар-ку.

— Тўхтанг-чи, ким гапираяпти ўзи?

Аёлнинг жаҳли чиқди шекилли, қичқирди:

— 309-озиқ-овқат магазини!

— Қаерда жойлашган бу магазин?

— Гартенштрассе, биринчи уйда, сиз буни жуда яхши биласиз.

— Шунақами, ҳа, ҳа, Гартенштрассе, биринчи уй, — дедим мен эсимга тушгандек, — демак сиз ўша нозиккина, сариқ соч...

— Ўйлаб гапираяпсизми? Мен қоп-қораман, — деди у гапимни бўлиб,— аммо бунинг ишга қандай алоқаси бор?

— Адашяпсиз, алоқаси бор хоним,— дедим мен паст товуш билан,— яқиндан бошлаб биз сузмани фақат сариқ сочли оппоққина сотувчиларга жўнатадиган бўлганмиз. Балки сиз ҳам этнинг думига ўхшаган сочларингизни оққа бўятиб, шошилинч равишда бир кўриниш бериб кетарсиз. Сузмани бўлса кейин бир иложини қиларсиз.

— Бу чиндан ҳам сут-ёғ комбинатими? — сўради у ишонқирамай.

— Йўқ, хоним. Бу селёдка балиқларини сирката босадиган заводлар бирлашмаси,— дедим мен дона-дона қилиб, — сиздан яна шуни илтимос қилардимки, минерал сувлар билан даволанаётган пайтингизда...

Аёл трубкани тақ этказиб қўйиб қўйди. Мен хаёлга берилдим. Кимдир кимгадир қўнғироқ қилади, мен эса жавоб беришим керак. Нега мен доимо адашиб чақирилган киши бўлиб чиқаман? Бўшаб колган мурват учун бирор марта ўч олиш мумкин эмасминан? Севгилим Лилонинг телефон номери 2027, радиоасбоп ускуналари сотиладиган магазиннинг эса 2028. Мен Лилонинг номерини тердим.

— Ханел эшитади, — деди у.

— Салом! — қичқирдим мен трубкага, — радио заводидан гапираяпман. Бугун сизга саккизта телевизор жўнатаяпмиз. Қабул қилиб олишга тайёрмисиз?

Лило ўзини йўқотиб қўйди, шекилли, бир нафас жим колди. Бир оздан сўнг эса дудуклана-дудуклана деди:

— Нега энди саккизта телевизор? Бундан ташқари...

— Бундан ташқари сиз яна 12 та радио оласиз, — давом эттирдим мен унинг гапини, — учта магнитофон, еттита...

— Жаноб, бўлмагур гапларингизни бас килинг. Керак эмас менга бунака совғалар. Мен ахир ушаштириб кўйилганман.

— Нима, бу радио магазини эмасми? — сўрадим мен ажаблангандек бўлиб.

Алоқа узилиб колди. Зўр-а, нима дединг. Бир йўла мана Лилонинг ушаштириб кўйилганлигини ҳам билиб олдим. Телефон китобини қайтадан титкилай бошладим. Аллақандай професор Фромхолднинг нюмери 2236 экан. Трагувайнди балет мактабининг номери эса 2237.

— Фромхолд эшитади, — деди бир эркак майин овоз билан. Мен аппаратда унинг номерини терган эдим.

— Салом. «Орион» эстрада театридан гапираяпман. Сизга хозир иккита ёш рақкоса юборяапмиз. Сиз улар билан шуғулланиб, малакасини оширишингиз мумкин. Аммо биринчи навбатда уларнинг кад-коматини текшириб кўринг, — дедим мен.

— Нималар деяпсиз? — сўради профессор калтираб.

— Сиз уларнинг кад-коматини текшириб кўришингиз керак, — такрорладим мен.

— Уларнинг оёқлари жуда келишган, аммо юқори гавда қисми, нима десам экан, кисласи текширасиз-да. Сиз ахир бунақа ишларни бизданя кўра яхшироқ биласиз-ку.

— Ҳа, ҳа, аммо... — профессорнинг овози титрарди, — эй, худойим... Мен бунаца ёш хонимларни... Бу нима деган гап ўзи?

Сўнгра хўрсинибгина қўшиб қўйди: — Майли келишсин, розиман.

Мен голиб сифатида трубкани кўйдим. Энди факат ўртоғим Леопольд колди. Унинг телефон номери 2021, сут-ёғ комбинатининг телефон номери эса юқорида айтилганидек 2022 эди. Номерларнинг уйғунлигини қаранг. Мана бунн ўч олиш деса бўлади.

Аппаратда 2021 номерни тердим. Леопольд жавоб қилди.

— Салом! — қичқирдим мен. — Айтинг-чи, сизларни ин-ма жин урди ўзи? Нега сут жўнатмаяпсизлар? Сизлар бугун менга 30 литр сут жўнатишларинг керак эди-ку! 25 фунт (12,5 кг) сўзма жўнатиш ҳам балки эсларингдан чиқиб колгандир? Ярим соатда ҳаммаси муҳайё бўлсин, тушунарлими? Ҳа, айтгандай, саккиз кути ёг кўшиб келтириш ҳам эсдан чикмасин!

Леопольд менинг ҳазилимни давом эттиришни истаб колди чамаси, сўради:

— Хўш, буларнинг барчасини каерга жўнатайлик?

— Каерга бўларди, менинкига-да, хомкалла! — кичқирдим мен ва адресимни айтдим. Ярим соатдан кейин буюртма илдган нарсаларимнинг барчасини бекаму-кўст олдим, пулини тўлаб, албатта. Начора, бу сафар мен чиндан ҳам сут-ёғ комбинати билан боғланиб қолган эканман.

Немис тилидан
И. ПАРДАЕВ
таржимаси.

Табиат ва инсон

ЎРМОНЛАР КЎПАЯВЕРАДИ

Республика Ўрмон хўжалиги министрлигининг кўчатзорларида бута ва ёнғоқ мевали дарахтларининг юз миллион туп кўчати кузги экиш учун тахт қилиб қўйилган. Кўчатлар тоғларда ўтқазилади, шунингдек Узбекистон колхоз ва совхозларининг суғориладиган ерлари ва яйловларида яшил минтақалар барпо этиш учун фойдаланилади. Кашқадарё ўрмончилик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтисослаштирилган хўжаликлари бу йил кузда энг кўп ҳажмдаги ишларни бажаради. Ҳисор ва Зарафшон тизма тоғ этакларида яратилган трассаларда бир неча юз минг туп дарахт ва бута кўчатлари ўтқазиш кузда тутилмоқда. Қарши даштидаги кўрик совхозларнинг пахтазорлари теварагида янги ихота дарахтзорлари пайдо бўлади.

Наманган ўрмон хўжалиги дарахтзорларни планли равишда кенгайтириб колмасдан, шу билан бирга чинор, заранг, мажнунтол, терак каби кимматли дарахт навлари ҳисобига унинг хилини ҳам кўпайтирмоқдалар. Кўчатзорда 500 минг туп чинор кўчати тайёрланди. Бу кўчатлар Уйчи, Учқўрғон, ва Тўрақўрғон районларида 20 гектар майдонни эгаллаган чинорзорларни тўлдиради. Кўчатларни тажрибали ўрмон ходими Камол Шерипов билан унинг ёрдамчиси Амин Эргашев етиштирмоқдалар. Озарбайжонлик қамкасблардан ўрмон хўжалигига 20 минг туп чинор етказиб бериш тўғрисида буюртма келди, ана шу чинорлар Боку кўчаларини безайди. Ўрмон хўжалигининг кўчатзори бу йил Норин дарёси этакларидаги тошлоқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига 20 гектарга кенгайтирилади.

(УзТАГ).

3 Тошкент шоқоми бет

2 НОЯБРЬ, 1981 й.

ҚАДРЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ

СИЗНИ МУБОРАК БАЙРАМ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА ПОЙТАХТНИНГ САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИГА ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Шаҳарнинг озиқ-овқат моллари магазинлари чиройли безатилган байрам термаларини, гастрономик нозу-неъматларни ва кондитерли буюмларни сизнинг диққатингизга ҳавола қилади.

«Таштекстильшвейторг», «Ташобувторг», ГУМ, ЦУМ, Фрунзе савдо маркази, Чилонзор савдо маркази энг чиройли рангбаранг молларни ва совға термаларини байрам савдосига тайёрладилар.

Байрамолди савдоси кунларида пойтахтнинг барча районларида сабзавот ярмаркалари ишлайди. Сиз бу ярмаркалардан кенг ассортиментда янги узиб келтирилган ва тузланган сабзавотлар, мевалар ҳамда полиз экинларини сотиб олишингиз мумкин.

ШАҲАРНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ
5—6 НОЯБРДА СОАТ 23.00 га ҚАДАР
саноат молларн магазнлари эса 21.00 га қадар ишлашини эслатиб ўтамиз.
7 ВА 8 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
САНОАТ МОЛЛАРИ САВДОСИ ТАРМОҒИ ИШЛАМАЙДИ

ХАРИДИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛСИН,
СИЗГА ЭНГ ЯХШИ КАЙФИЯТ ТИЛАЙМИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ҚУЗ ВА ҚИШ МАВСУМИДА

ПОЛИУРЕТАН ВА МИКРОПОР ТАГЧАРМЛИ ПОЙАФЗАЛЛАР ҚИЙИШГА ҚУЛАЙ!

Ўзбекистон Енгил саноат министрлигининг йирик корхоналаридан бири бўлган Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси тавсия этади:

эркакларга — сунъий ва табиий теридан полиуретан ва микропор резина тагчармлар қўйиб тикилган модали ярим ботинкалар ва калта кўнжли этиклар. Бошлиқларининг конструкцияси хилма-хиллиги дидга қараб пойафзал танлаш учун кенг имконият беради.

Паст пошнадан то 40 миллиметрли баланд пошнагача.
Баҳоси — 14 сўм 80 тийиндан 46 сўм 30 тийингача.

Хотин-қизларга — паст ва баланд пошнали табиий ва сунъий теридан тайёрланган туфлилар.

Кузги амиркон туфлилар хушбичим, тасмали, ўрта пошнали, жуда қулай.

Совуқ кунларда кийиладиган тагчармли, поролон астарли этиклар.

Тавсия этилган пойафзалларнинг баҳоси — **11 сўм 40 тийиндан, 46 сўм 70 тийингача.**

СИЗ БУ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ
«УЗБЕКИСТОН САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 4-ФИРМА МАГАЗИНИДАН
4 НОЯБРГАЧА
ЎТКАЗИЛАДИГАН САВДО-КЎРГАЗМАСИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Махсидўзлик кўчаси (1, 4, 14, 18, 21-троллейбусларнинг «Калинин номли майдон» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси.

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар Ҳамидов, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ, Обиджон, ОДИЛОВ, Таваккалхон ТУРСУНОВА.

САТИРА, ЮМОР ВА ИНТЕРМЕДИЯ ИЖРОЧИСИ Абдуфаттоҳ САЙДОВ.

Оригинал жанрида Саттор ИСЛОМОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

САБЗАВОТЛАР ЯРМАРКАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Олтин куз фасли ўзининг тўкин-сочин нозу-неъматлари билан авж палласига чиққан пайт. Бутун қиш давомида бизнинг дастурхонимиз сабзавот ва мевалар билан файзли бўлиши учун хозирданоқ тараддуд кўриб қўйилган палла. Қишга тайёргарликни ҳар бир хонадон кўриб қўйиши мумкин.

БУНИНГ УЧУН ШАҲАРНИНГ БАРЧА РАЙОНЛАРИДА

1—6 НОЯБРГАЧА
ИШЛАЙДИГАН ШАҲАР БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ:

Киров районида — Дзержинский майдонида ва Юнусобод бозорида;
Чилонзор районида — «Ҳамза» метро станциясида;
Акмал Икромов районида — Фарҳод бозорида;
Фрунзе районида — Тўқимачилик комбинати ёнида;
Собир Раҳимов районида — Қорақамиш бозорида;
Октябрь районида — Октябрь бозорида;
Куйбишев районида — Трактор заводи бозорида ва «Қорасув-1—2» массивида;
Ҳамза районида — Авиасозлар шаҳарчасидаги жамоат савдо марказида;
Сергели районида — Сергели бозорида;
Ленин районида — Яшил бозорда.

Сиз бу ярмаркалардан карам, пиёз, помидор, саримсоқ пиёз, лавлаги, бодринг, сабзи, шолғом, турп, қовоқ, узум, олма, беҳи, картошка, қовун, қуруқ мевалар, нок, ҳурмо, қовун қоқи, консервалар, лимон, мош, гуруч, ерёнғоқ сотиб олишингиз мумкин.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
2 НОЯБРДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНО ЭКРАНЛАРИДА

„ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР, МЕНИНГ ЖИГАРДБАНДЛАРИМ"

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Режиссёр — Д. САЛИМОВ.
Ролларда: Т. ШОКИРОВА, Ю. ЧЕРЕВКОВА, Л. МЕЛЬНИКОВА, С. ХАУСТОВ, Н. ПОДМАРЕВ, ва бошқалар

Ушбу фильм Улуғ Ватан урушининг машаққатли йилларида мустаҳкамланган улуғ совет халқларининг интернационал ойласига бағишланади. Ленинград ва бошқа шаҳарлардан кўчириб келтирилган минглаб болалар ўзбек хонадонларида ва болалар уйларида паноҳ топдилар. Фильмда ана шундай болалар уйларидан бирининг директори Ҳадича Ботирова ва унинг тарбияланувчилари ҳақида ҳикоя қилинади.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/XI да **Рўйхатларда йўқ.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/XI да **Кулги нечаси,** 2/XI да **Олифта,** 4/XI да **Дилафрўзга тўрт ошиқ.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЯНГИ ПРОГРАММА «ПРОМЕТЕЙ» ЦИРК СПЕКТАКЛИ.**

КИНО

2 НОЯБРДА
Ҳужжатли фильмлар:
«БИЗНИНГ ЛЕНИН» — **Восток.**
«ЮН БОШЛИҒИ» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (17, 19.30).
«ЛЎЛИНИНГ БАХТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).
«ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ЖИГАРБАНДЛАРИМ МЕНИНГ» — **ВЛКСМ нинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).
«ЭКИПАЖ» — **Нукус** (16, 18.30, 20.45), **Лисунов номли** (17, 20.00).
«ТИРИКЛАР ОРАСИДА ИЎҚОЛГАНЛАР» — **Мир** (тоқ соатларда).

3 НОЯБРДА
Ҳужжатли фильмлар:
«БИЗНИНГ ЛЕНИН» — **Восток.**
«ЮН БОШЛИҒИ» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР
«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).
«ЛЎЛИНИНГ БАХТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).
«ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ЖИГАРБАНДЛАРИМ МЕНИНГ» — **ВЛКСМ нинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).
«ЭКИПАЖ» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).
«ТИРИКЛАР ОРАСИДА ИЎҚОЛГАНЛАР» — **Мир** (тоқ соатларда).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
КУРСЛАРГА
Қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚЎШИМЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Троллейбус ҳайдовчилари учун ўқиш муддати — 6 ой; трамвай ҳайдовчилари учун ўқиш муддати — 5 ой.

Курсга Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган 18 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинмадилар.

Қабул қилинганларга ойига 75 сўм стипендия тўланади, бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртини битирганларидан сўнг битирувчилар Тошкент шаҳридаги трамвай-троллейбус бошқармасига ишга юборилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (1, 17 «з»-автобуслар, 18-троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточное депо»си бекати).

«Главташкентстрой»нинг ЎҚУВ КОМБИНАТИ
минорали кранларнинг машинистларини тайёрлайдиган
КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КУРСЛАРГА 18 ЕШДАН БОШЛАБ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Курслар кундузги бўлиб, 75 сўмдан стипендия тўланади.

Ўқиш муддати—4 ярим ой бўлиб, рус тилида олиб борилади.

Ёлғиз кишиларга шинам ётоқхоналардан жой берилади ва Тошкент шаҳрида прописка қилинади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 96-алоқа бўлими, Оқтепа майдони, Ғ. Ғулом кўчаси, 6-уй.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
СССР биринчилиги учун
«А» класси — биринчи лигаси командалари ўртасида
ХОККЕЙ
2, 3 НОЯБРЬ СОАТ 18.30 да
«СК» (Свердловск) — «БИНОКОР» (Тошкент)
19, 20, НОЯБРЬ СОАТ 18.30 да
«СИБИРЬ» ((Новосибирск) — «БИНОКОР» (Тошкент)
24, 25 НОЯБРЬ СОАТ 18.30 да
«МОЛОТ» (Пермь) — «БИНОКОР» (Тошкент)
28, 29 НОЯБРЬ СОАТ 18.30 да
«РУБИН» (Тюмень) — «БИНОКОР» (Тошкент)
Билетлар сотилмоқда.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ТОШКЕНТ ЦУМИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТИКУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА
3—6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
2-ҚАВАТДА
ЭРКАКЛАР ҚОСТЮМЛАРИНИНГ

Савдо-кўргазмасини ўтказади

Савдо-кўргазмага мамлакатимиз ва чет элларда ишлаб чиқарилган жун, жун аралаш ва кримплен матолардан тўлалиги, размери ва бўйи ҳар хил бўлган ёшлар, ўрта ва кекса ёшлаги кишилар учун турли моделларда тикилган эркаклар костюмларининг кенг ассортименти сотувга қўйилган.

Ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари, моделчилари, мастерлари, бичувчилари кейинги йилларда костюм тикиш сифатини бирмунча яхшиладилар ҳамда харидорлар талаблари ва ҳозирги замон модалари асосида костюмлар модасини янгиладилар.

Савдо-кўргазмасида янги маҳсулотлар — полиэстра ва замшдан ёшлар учун замонавий модада ва рангда тикилган калта камзуллар, чий духоба типида, турли рангдаги кримплендан тикилган эркаклар костюмлари мавжуд.

САВДО-КЎРГАЗМАГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

2 НОЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

17.55 «Биз БАМни қуряпмиз». 18.30 «Халқ оҳанглари». 18.45 «Совет тасвирий санъатида В. И. Ленин образи». 19.15 Кременчук автозаводи Маданият саройининг «Свитанок» рақс ансамбли ижро этади. 19.30 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» Иккинчи марта ресурслардан рационал фойдаланиш бўйича Жданов «Азовсталь» заводининг тажрибаси ҳақида. 20.00 Концерт. 20.10 «Любовь Яровая». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси. К. Тренев пьесаси асосида. 21.30 «Время». 22.05 «Любовь Яровая». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри спектаклининг давоми. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

16.45 «Ҳовлимиз олимпиадачилари». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.00 Шифокор экрани. 19.30 «Истеъдод». Телевизион бадиий фильм. 20.45 Э. Григ, Г. Ибсеннинг «Пер Гюнт» пьесасига ёзилган куйидан сюита. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига «Локомотив» (Москва) — «Металлист» (Харьков). «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм «Ларза». 18.30 Мактаб ўқувчиларн учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарварлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Москва ёзувчилари — бизнинг меҳмонимиз». 20.20 «Ўзбекистон фарзанди». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреатлари: А. Орипов. «Ҳаким ва аҳкал». 23.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Инсон ва замин». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Олис ва яқин». «Архитектор Джим Тарасин ёдгорликлари». Телефильмлар. 21.00 Шифокор экрани. Сариқ касаллигининг олдини олиш. 21.30 МТ-VI.

3 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 К. Тренев. «Любовь Яровая». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм спектакли. 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ереванда ўтказилган IX Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивалида соврин олган ҳужжатли фильмлар. «Кекса авлод» (Ленинград). 16.10 «Рус тили». 16.40 «Партия билети ҳақида сўз». Уч авлод коммунистлари ҳақида. 17.25 «Қалбга яқин қўшиқлар». 18.15 «Фан оламида». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР ва Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг йиллигига. «Тхонг Лонг» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти (Вьетнам). 19.55 Мамлакат экранларига чиқарилганлигининг 45 йиллигига. «Балтика депутати». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Иш жойи — космос». Илмий-оммабоп фильм. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Балет артистларининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Чегарасиз қитъа». Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 12.05 ва 17.00 Француз тили. 10.35 ва 11.45 Табиатшунослик. 2-синф. Куза колхозда. 10.55 В. С. Иванов. «14—69 бронепоезди». 12.35 ва 13.35 География. 6-синф. Австралиянинг ўсимлик ва ҳайвонот олами. 13.05 ва 17.30 Шахмат мактаби. 14.05 Э. Хемингуэй. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.

УҚИТУВЧИ ЭКРАНИ

14.55 Музика. 7-синф. П. И. Чайковский. «Йил фасллари». 15.25 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. СССРда давлат ва шаҳс. 15.55 «Мариэтта Шагинян». 2-фильм. 16.45 «Электрлашган Россияни қўряпман». Илмий-оммабоп фильм. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.40 В. Моцарт. Литва ССР камер оркестри ижросида фортепьяно ва оркестр ижроси учун 22 концерт. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Оловли кўприк». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Торпедо» (Горький). 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Полизчи хўтик». Мультфильм. 11.45 «Петродворец», «Карпат остонасидаги шаҳар». «Совет Иттифоқининг шаҳарлари» туркумидан телефильмлар. 12.25 «Қутлуғ қон». Бадиий фильм. («Ўзбектелефильм»). 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ҳаворанг филча», «Қирол ва қовунлар». Мультфильмлар. 18.30 «Тенгдошларнинг ижоди». 19.00 «Зангори экран» почтаси». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод саҳифалари». Мирза Иброҳимов. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ҳурриятт Исроилова куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 Телевиденне экранида биринчи марта. «Учрашувга бир қадам». (Кинокомедия) (рус. субтитр билан). 22.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Винокор» (Тошкент) — АСК (Свердловск) 3-давр. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган).

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10. Эстетика асослари. Санъатда синфийлик, партиявийлик ва халқчиллик (рус.). 18.50 «Бу ажойиб Қрим». Телефильм. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 20.00 Янгиликлар. 20.20. Ўқитувчи экрани. Мактабда КПСС XXVI съезди материалларини ўрганиш. 20.50 «Ҳужжатли кино экрани». 21.30. МТ IV

4 ТОШКЕНТ бет ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва қарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.